

Сафар ойининг учинчи куни содир бўлган воқеалар



16:05 / 28.07.2025 1034

Ҳижрий 405 йил, сафар ойининг учинчи куни ҳадис илми олимларидан бири «Мустадрак» китоби соҳиби Имом Ҳоким Найсабурий вафот этди. Аллоҳ у зотни Ўз раҳматига олсин. Абу Ҳозим айтадилар: «Нисобурда Муслим ибн Ҳажжождан кейин ҳадис илмида машҳур бўлган одам Имом Ҳоким эдилар». Яна у киши: «Ҳоким ўз асрларида, ҳадис илмининг улўф олимлари Дора Қутний, Ибн Адий, Ибн Музаффарларга тенг келадилар. Ҳозиргача на Ҳижозда, на Шомда, на Ироқда, на Тобаристонда, на Хуросонда бу шахсга тенг келадиган киши топилмайди.

Ҳижрий 180 йил сафар ойининг учинчи куни (милодий 796 йил 18 апрель) Андалуснинг энг машҳур амирларидан бири Ҳишом ибн Абдуррахмон 40 ёшида вафот этди. Ҳишом ҳижрий 139 йил Қуртубада таваллуд топган бўлиб, отаси Абдуррахмон ўн битта фарзанди ичидан Ҳишомни Андалус ҳокими этиб тайинлади. Бу зот даврида илм-фан соҳаси янада ривожланди.

Ҳижрий 1382 йил сафар ойининг учинчи куни (милодий 1962 йил 5 июль) Жазоир Франция мустамлакасидан мустақил бўлгани эълон қилинди.

Ҳижрий 1408 йил сафар ойининг учинчи куни (милодий 1987 йил 26 сентябрь) ироқлик катта тарихчи, «Муфассал фи тарихил-араб қоблал-

ислам», яъни «Исломдан олдин арабларнинг муфасссал тарихи» номли 10 жуздан иборат китоб муаллифи Жаввод Али вафот этди.

Ҳижрий 484 йил, сафар ойининг учинчи куни Мурабитлар давлати қўшини Андалусдаги Қуртуба (Кордова) шахрига кириб борди. Бу воқеа Қуртубанинг маҳаллий ҳукмронлигининг тугаши ва Мурабитлар давлати тасарруфига ўтиши билан якунланди. Шундан сўнг Юсуф ибн Ташфин бошчилигидаги Мурабитлар Андалусда ўз ҳукмронлигини бошлади. Бу эса Андалус мусулмонлари орасидаги ички бўлинишларга барҳам берди, душманга қарши бирлашиш йўлида муҳим тарихий бурилиш бўлди.